

Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун | Термиз туманида байрам шодиёналари давом этмоқда



Юртимизнинг барча ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз икки йиллик байрам тантаналари катта шодиёналар билан нишонланмоқда. Хусусан, Термиз туманида пойтахтдан ташриф буюрган, эстрадамиз ёрқин юлдузлари туманимиз аҳолиси учун байрам концертларини намоиш этишмоқда.

Бугун туман Маданият маркази концертлар залида эстрадамиз юлдузларидан бири, ёшларимизнинг севимли хонандаси Севинч Исмоилова концерт дастурини намоиш этди. Аҳолига байрамона кайфият улашиш мақсадида бепул ўтказилган концерт дастурида ижро этилган шўх кўй-қўшиқлар ташриф буюрганларга манзур бўлди.